

# АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА АНАЛИТИК ТАҲЛИЛ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА МУТОЛААНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Окила Туракулова<sup>1</sup>

**Абстракт:** Мазкур мақолада адабиёт дарсларида ўқувчиларда китоб мутолаасини ривожлантиришнинг ўзига хос усуллари ёритилиб, мутолаани ривожлантиришда адабиёт дарсларининг самарадорлиги, бадиий асарнинг ўқув-дидактик таҳлиliga аналитик ёндашув адабий таълимни модернизациялашнинг муҳим омилларидан бири эканлиги кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** китоб, мутолаа, аналитик ёндашув, ўқув дидактик таҳлил, тадқиқотчилик, изланувчанлик, мантиқий фикр, концептуал савол.

## КИРИШ

Дунёда куну тун ахборотлар, хабарлар таҳлил этилади. Айниқса, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, спорт, маданият соҳалари доирасидаги ахборотлар, хабарлар таҳлили сира тўхтамайди. Жаҳоннинг қайсидир бир жойида содир бўлган воқеа-ҳодиса, янгилик, хушхабар ёки нохушлик маълум вақт ўтиб-ўтмасдан оммавий ахборот воситалари, интернет тизими орқали олам бўйлаб тарқалади. Бу жараёнда тафаккурий тезлик, кенглик, аниқлик, мазмундорлик каби фикрлаш сифатлари муҳим рол ўйнайди. Фикрлар оқими кучаяди, турли муносабатлар билдирилади. Барча ахборотлар, хабарлар тафаккур воситасида идрок этилади. Тафаккури ривожланган кишиларнинг таҳлилий хулосалари хато ва адашишлардан йироқ, аниқ ва мазмунли бўлади.

Таҳлилнинг тўғри ва аниқ бажарилишида таҳлилчининг тафаккур қобилияти, билими етакчи омил ҳисобланади. Таҳлил орқали предмет турли томондан текширилади, очиб берилади, муаммолар ва уларнинг юзага келиш сабаб-оқибатлари белгиланади, уларни ҳал этишнинг оптимал вариантлари ишлаб чиқилади. Таҳлил билишнинг энг ишончли йўли ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Туракулова Окила Амиркуловна – Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тили таълими кафедраси доценти п.ф.д. (PhD)

**E-mail:** shahrizodf@mail.ru

**ORCID:** 0000-0002-7783-6418

**Iqtibos uchun:** Туракулова, О.А. 2023. “Адабиёт дарсларида аналитик таҳлил асосида ўқувчиларда мутолаани ривожлантириш” O‘zbekiston: til va madaniyat. Amaliy filologiya masalalari. 1(5):

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “таҳлил” атамасига: “тарқалиш, (куртак) ёзиш; текшириш, суриштириш; ҳал қилиш, очиш); Нарса, ҳодиса ва шу кабиларни моҳият, қонуният ва бошқа жиҳатлардан текшириш, ўрганиш иши. Бирор нарса, маълумот ва шу кабиларни маълум нуқтаи назардан ўрганиш, баҳолаш. Бирор нарсанинг таркибини белгилаш ва унинг моҳиятини тадқиқ этиш” [ЎТИЛ 2007, 40], деб изоҳ берилади. Олимлар Р.Самаров ва Х.Алимов “Таҳлил мураккаб тафаккур операцияси ҳисобланиб, унинг ёрдамида предмет ва жарёнлар (ҳодисалар) аниқ ўлчов бирлигига эга бўлган усуллар воситасида яхлит тарзда ёки алоҳида қисмларини турли белги ва хусусиятлари бўйича алоқадорлик даражасини белгилаб беради. ...Таҳлил алоҳида илмий тайёргарликни, турли илмий услубларни мақсадли танлаш, ва ўринли қўллаш, ўрганилаётган муаммо бўйича билимга эга бўлишни талаб этувчи фаолиятнинг мураккаб туридир” [Самаров 2016, 23-28], деб таъриф беришади.

Аён бўладики, таҳлил кўп тармоқли бўлиб, предметни атрофлича билишни, англашни кўзда тутди. Инсон ҳаётини таҳлилий фикр юритишсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Таҳлил турлари ичида инсоннинг нозик сезимларига таъсир ўтказишда, унда ҳайрат, қувонч, завқ, шодлик, қайғу, ғазаб, нафрат, шафқат каби бир қанча ҳистуйғуларнинг намоён бўлишида, инсоний фазилатларни шакллантиришда, билиш даражасини юксалтиришда бадий асарлар таҳлили энг етакчи ўринда туради.

Кўринадики, бадий асар таҳлили ва талқини ҳамиша илм эгаларининг диққат марказида бўлиб келаётган мураккаб ақлий фаолият туридир. Бадий асарнинг бутун қирралари таҳлил воситасидагина очиб берилади. Таҳлилчи асардаги оддий китобхон “кўра олмайдиган”, фаҳмламайдиган энг нозик жиҳатларни ҳам “кашф” этади. Ҳар қандай таҳлилнинг муваффақияти таҳлилчининг тафаккур салоҳиятига, фикрлаш лаёқатига, тажриба-маҳоратига қатъий боғлиқ бўлади. Адабиёт ўқитишда эса ўқитувчининг бадий асар таҳлили компетенцияси таълим сифатига жиддий таъсир кўрсатади. Адабий таълим олдида қўйилган мақсад ва вазифаларга, асосан, бадий асарларни таҳлиллаш орқали эришилади. Ўқувчининг адабий тафаккури бадий асар таҳлили жараёнида шакллантирилади. Бадий асар таҳлили адабиёт дарсларининг фаолият мазмуни, қурилиш механизми, ҳаракат стратегиясидир. Адабиёт дарсларини бадий асар таҳлилсиз, умуман тасаввур қилиб бўлмайди. Адабий таълимдан ўрин олган бадий асар таҳлил воситасидагина ўқувчининг ҳақиқий маънавий мулкига айланади. “...Ўқувчиларнинг фикринигина эмас, балким унинг туйғуларини, қалбини ҳиссиётлар оламини ҳам шакллантиришга аҳд қилган адабий таълим бадий таҳлилсиз ўз муддаосига эриша олмайди” [Йўлдошев 1996, 68].

Хўп, шундай экан, адабий таълимни янада яхшилашнинг, бадий асар таҳлилини такомиллаштиришнинг яна қандай йўллари бор? Қандай педагогик тадбирлар қўлланилса, ўқувчиларда бадий асарларни ўқишга, уқишга, таҳлил этишга бўлган муносабатлар ижобий томонга юксалади? Ўқувчиларда китоб мутолааси, китобхонлик маданиятини янада шакллантиришнинг асосий мезони нимада?

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Аналитик тафаккур фикрлашнинг шакл ва маъно муносабатига кўра мураккаб турларидан бири бўлиб, таҳлил этилаётган объектни атрофлича ўрганиш, таҳлиллаш, мақбул қарор ва хулосалар қабул қилиш имконини беради. Аналитик тафаккурнинг мантиқ билан қатъий боғланганлиги унинг энг муҳим характери жиҳатидир.

Юқорида таъкидланганидек, мустақил фикр юрита оладиган шахсгина аналитик тафаккур юрита олиши мумкин бўлади. Аналитик тафаккур юритиш мустақил фикрлашдан бошланади. Бадий асарнинг аналитик таҳлили қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- таҳлил объекти, муаммо, масала белгиланади, мотивация ҳосил қилинади. Бадий асар, ундан олинган парча, бадий образ, асарни ўрганишнинг бошқа жиҳатлари таҳлил объекти бўлиши мумкин;

- матн мантиқан қисмларга ажратилади;

- матндаги ҳар бир сўз, жумла устида фикр юритилади, маъно қатламлари очилади. Сўз ва жумлаларнинг зоҳирий ва ботиний маъноси, улардан келиб чиқадиган янги мантиқий фикр ва хулосаларга алоҳида эътибор қаратилади. Аналитик фикрлаш жараёнида фикрлардан яна янги фикрлар ҳосил қилинади. Фикрларнинг матнга мантиқий алоқадор бўлиши талаб этилади;

- матнда ифодаланмаган, аммо унга алоқадор, таҳлил объектини “ечиш”, “очиш” учун хизмат қиладиган айрим маълумотлар мантиқан шакллантирилади. Бу ўринда таҳлилчининг ижодкорлиги – креативлиги рол ўйнайди;

- таҳлилий фикр, хулосалар ясалади;

- “кашф” этилган ҳар бир фикр ва хулоса асослаб берилади;

- энг мақбул фикр, хулоса сайлаб олинади.

Ўқувчининг бадий асар матни билан тўлиқ танишиб чиққан бўлиши аналитик таҳлил кўлами ва мазмунини янада кенгайтиради. Аналитик тафаккур хулосалари ўқувчи ёки ўқувчига насиҳат, маслаҳат тарзида мажбуран сингдирилмайди, мустақил равишда идрок этишга ўргатиб борилади. Аналитик тафаккур қилиш жараёнида ўқувчи ёки ўқувчи ўзини гўё детектив воқеалар гирдобига тушиб қолгандек сезади, таҳлилга моҳир изқувар сифатида киришади. Бу нарса унга янада илҳом беради, ўз “эврика”сига эга бўлишга ундайди, тадқиқот ишларига рағбат уйғотади. Ўқувчида тафаккурнинг мазмундорлиги, кенглиги, мустақиллиги, ташаббускорлиги, пишиқлиги, маҳсулдорлиги, тезлиги,

чуқурлиги каби сифатлари қарор топади, мустақил қарор қабул қилиш кўникмаси шаклланади. Таҳлилнинг масштаби кенгаяди, мазмуни бойийди. Фанлараро интеграция такомиллашади. Аналитик ёндашув устувор бўлган таҳлил жараёнида ўқитувчининг “юки” енгиллашади: ўқувчиларнинг фаоллиги ихтиёрий равишда ортади. Ўқувчида яна кўплаб бадий асарларни ўқиш, уларни шу тахлитда таҳлиллаш истаги туғилади. Ҳозирда ўқувчи-келгусида адабиёт муаллимининг касбий компетентлиги мустаҳкамланади, креативлиги ошади. Бадий асар таҳлиliga аналитик ёндашув адабий таълимга янгича педагогик рух, интеллектуал қувват беради.

Адабий таълимда бадий асарни матнга таяниб, бадий образлар асосида ёки муммо доирасида дидактик таҳлил этиш оммалашган. Матн доирасидаги таҳлил “текстуал таҳлил”, деб ҳам юритилади. Бундай таҳлил жараёнида бадий матн адабиёт муаллими бошқарувида “кашф” этилади. Таълим босқичларида Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи ўқув режа ва дастурлар доирасида, мустақил ўқиш тарзида атрофлича ўрганилади, асар билан тўлиқ танишиб чиқилади. Ушбу асардан олинган парчани аналитик тафаккур воситасида текстуал таҳлиллаш юқорида қайд этилган фикрларни далиллаш имконини беради. (Асардан олинган қуйидаги парча аудитория доскасига ёзилади ёки проектор орқали туширилади):

*... Акаси ўз гапини едиrolмагач – Қурбонбиби билан маслаҳат қилиб туриб – масалани эшон бобога арз қилди.*

*Эшон аввал:*

*- Сўфи ўзи қани? – деб сўради.*

*Сўфининг акаси:*

*- Уйда қолди... Сал тиши оғрибди... – деди.*

*Эшон кулди:*

*- Тиши оғрибдими? – деди. – бай-бай! Тиш оғриғи ёмон нарса. Боринг, айтинг: каппоннинг бурчагидаги сартарошга борсин, омбир солиб, дарров олиб ташлайди. Тинчийди-қолади... Боринг, омин оллоҳу акбар! [Чўлпон 2015, 16-17]*

Ўқувчилар берилган парчани диққат билан ўқиб чиқадилар. Асар матни билан тўлиқ танишиш жараёнида олган билим ва таассуротларига таяниб, парча устида аналитик тафаккур юритадилар. Юқорида таъкидлаганимиздек, текстуал таҳлил жараёнида ҳар бир сўз, жумла устида мантиқий фикрлаш ҳаракати бошланади:

- “Акаси” – бегона одам эмас, туғишгани, жигари; энг яқин одами – қариндош;

- “ўз гапини” – фикрларини, ғояларини, режаларини, орзу-мақсадларини; қалбида кечаётган ўй-хаёлларини, ўйлаб юрганларини; ака-ука ўртасидаги муносабатларни яна тиклаш, яхшилаш учун, мустаҳкамлаш учун восита бўладиган фаолитлар ҳақидаги фикрлар, сўз ва гаплар...;

- *“едиролмагач”* – шевага хос сўз, сўз ва гапини уқтиролмагач, тушунира олмагач. Суҳбатдаш ўз фикрларини тингловчига етказиб бера олмаганида, нима демоқчи эканини ёритиб бера олмаганида *“гапини едиролмади”*, деб айтилади. *“Гапини едиролмаслик”* сўзловчининг нутқи таъсирчан эмаслигидан, ифодавий камчиллигидан, сўзловчининг коммуникатив лаёқати юқори эмаслигидан ёки шу суҳбат жараёнида *“топиб гапира олмаганидан”* (Яхши топиб гапиради,..) дарак беради;

- *“едиролмагач”* – бу сўз замирида тингловчининг суҳбатдошга, унинг гап-сўзлари, айтаётган фикрларига муносабати ҳам акс этади. Тингловчи гап уқмас, қайсар, тор фикрлайдиган бўлиши мумкин. Таҳлил этилаётган матн доирасида олиб қараладиган бўлса, тингловчи – Раззоқ сўфи акасининг барча гапларини, фикрларини, орзу-мақсадларини жуда яхши тушунади, ҳамма нарсага ақли етади. Аммо ундаги қайсарлик, худбинлик *“Акаси ўз гапини едиролмагач”* ҳолатига сабаб бўлади. *“едиролмагач”* сўзи устида аналитик фикр юритиш сўзловчи ҳақида ҳам, тингловчи ҳақида ҳам мантиқий фикрлар, хулосалар яшашга имкон беради;

- *“Эшон аввал: Сўфи ўзи қани? – деб сўради”* жумласи устида аналитик фикр юритиш яна янги мантиқий фикрларни ҳосил қилишга туртки беради. ўқувчилар Эшон бобонинг масалага киришишдан аввал нима учун Раззоқ сўфининг ўзини йўқлаётгани, суриштираётгани сабабини аниқлашга киришадилар. Аналитик фикрлаш уларда томонлар бирор масалани ҳал этаётганиларида шахсан иштирок этишлари талаб этилади, бу ўзаро ҳурматни англатади, турли нохуш ҳолатларнинг олдини олади каби яна бир қанча янги фикрларнинг туғилишига замин яратади;

- *“Эшон кулди”*. Аналитик тафаккур воситасида *“Эшон кулди”* гапининг маънолари идрок этилади. Эшон бобонинг кулиши *“кимсанинг устидан кулиш”*, *“масхара қилиш”*, *“мазах”*, *“пичинг”*, *“киноя”* маъносини англатади. Бу кулиш замирида Раззоқ сўфининг қувлигига, айёрлигига ишора ҳам яширинган. Атрофдаги одамларга, уларнинг гап-сўзларига, мурожаатларига бепарволик, беписандликни билдириш *“кулиш”* орқали ҳам амалга оширилади. *“Эшон кулди”*- Эшон бобонинг феъл-атворида калондимоғлик, манманманлик каби қусурлар мавжудлигидан хабар беради;

- Бу таҳлилий фикрлаш ўқувчиларнинг тарихий тафаккурини янада ривожлантиради. Парча юзасидан аналитик тафаккур юритиш бу билан тўхтаб қолмайди. *“Кашф”* этилган фикрлардан янги фикрлар, мулоҳазалар, муносабатлар пайдо бўлади. Ўзаро баҳс-мунозара қизийди. Бу нарса таълим сифати ва самадорлигини оширади.

Эътибор берилса, асардан олинган кичик бир парча таҳлиliga аналитик ёндашув жуда кўп мантиқий фикрларнинг, хулосаларнинг юза келишига сабаб бўлаётгани аён бўлади. Бадий асар таҳлиliga аналитик ёндашув ўқувчида тадқиқотчилик, изланувчанлик қобилятини

шаклантиради. Бадиий асар таҳлилини назариётчи ва методист олимлар яратган бой билим ҳамда тажрибаларни таҳлилга аналитик ёндашув билан уйғун такомиллаштириш адабиёт ўқитишни янги босқичга кўтаради.

Тўғри, ўқувчилар бадиий асар таҳлили жараёнида бирданга аналитик тафаккур юритиш имкониятига эга бўлмасликлари мумкиндир, лекин бундан асло ортга чекиниш керак эмас. Маълум вақт ўқитувчидан педагогик меҳнат, методик изланиш талаб этилади, секин-аста ўқувчиларда аналитик фикрлаш кўникмаси, малакаси ҳосил бўлади. Ўқитувчи концептуал савол ва топшириқлар воситасида ўқувчилар тафаккурини ҳаракатга келтиради, уларни фикрлашга ундайди.

### **ХУЛОСА**

Бадиий асар таҳлили, аввало, бадиий асарни ўқишдан, у билан танишишдан бошланади.

Англашиладики, бадиий асар таҳлили, аввало, таҳлил ҳақида тафаккур қилишдан бошланади: таҳлилчи таҳлил “харитасини” фикран чизиб олади, мақсад ва вазифаларни аниқ белгилайди. Ҳар қандай асар таҳлилига уни “кашф этаман”, деб киришилади. Кашфиётчилик руҳи таҳлилчини илҳомлантиради, асарни чуқурроқ тадқиқ этишга ундайди. Бадиий асар таҳлилининг муваффақияти қуйидаги каби омилларга боғлиқ бўлади:

- таҳлилчининг интеллектуал салоҳияти, тафаккурий сифатларга эгалиги;
- таҳлил тури: илмий ёки ўқув таҳлили экани;
- адибнинг ижодий услуби;
- таҳлил этилаётган асарнинг қандай адабий анъаналар ва мафкуравий воқелик муҳитида яратилгани;
- таҳлил этилаётган асарнинг миллий ёки бошқа халқлар адабиёти намунаси экани;
- таҳлил этилаётган асарнинг тур ва жанри;
- асар йўналиши: фантастик, детектив, тасаввуфий...;
- таҳлилнинг макон ва замони...

Адабиёт дарсларида бадиий асар таҳлилида асар мазмунидан кўра кўпроқ ғоясига, таг маъносига эътибор берилади. Она тили дарсларида кичик бир бадиий матн устида бу даражада иш олиб борилмайди. Адабий ўқиш дарсларида образлар устидаги ишлар устуворлик касб этади. Образлар сўзлар воситасида вужудга келтирилади. Ана шундай сўзлар бир гап мисолида ҳам кузатилиши мумкин.

Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, адабиёт дарсларида ўқувчиларда китобга бўлган меҳр, бадиий асар ўқишга бўлган қизиқишни таркиб топтиришга комплекс ёндашиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтганда, аналитик текстуал таҳлил икки томонлама самарадорлик келтиради: биринчидан

таҳлилнинг илмий-педагогик аҳамияти юксалади, таҳлилдан кўзланган мақсад ва вазифаларга эришилади, иккинчи томондан, таҳлилчининг (ўқувчининг) аналитик тафаккур юритиш қобилияти шаклланади. Бадий асарларни аналитик таҳлил қилиш уқувига эга бўлган ўқувчи ижтимоий ҳаётда ҳамма масала доирасида атрофлича фикрлайдиган, аниқ тафаккур юритадиган, тўғри хулоса ва қарор қабул қилиш одатини касб этади.

## ADABIYOTLAR

- Мирзиёев, Ш.М. 2017. *Буюк келажакимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга курамиз.* – Тошкент: Ўзбекистон.
- O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Kitob mahsulotlarini nashr etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ'ib qilish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar dasturi to'g'risida"gi Qarori. 2017-yil 13-sentabr.
- Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2007. Тўртинчи жилд. Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти.
- Самаров, Р.С., Алимов, Х. 2016. *Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.* Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: 23-28-бетлар.
- Қозоқбой, Йўлдош, Муҳайё, Йўлдош. 2016. *Бадий таҳлил асослари.* - Тошкент: "КАМАЛАК", – 140 б.
- Йўлдошев, Қ. 1996. *Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари.* Тошкент: "Ўқитувчи".
- Қурононов, Д. *Адабий таълим ҳақида айрим мулоҳазалар.* // Электрон манба: <http://quronov.narod.ru/dmaqk2.html>.
- Abu Nasr Forobiy. 2016. *Fozil odamlar shahri.* – Тошкент. [Ziyonet.uz/ru/book](http://Ziyonet.uz/ru/book)"Mahbub ul-qulub"- dillarimiz obodligi
- Чўлпон. 2015. *Кеча ва кундуз:* Роман. – Тошкент: "Янги аср авлоди".

## THE DEVELOPMENT OF READING COMPREHENSION AMONG STUDENTS BASED ON ANALYTICAL ANALYSIS IN LITERATURE LESSONS

Turakulova Okila Amirkulovna<sup>2</sup>

---

<sup>2</sup>Turakulova Okila Amirkulovna – Tashkent State University of Uzbek Language named after Alisher Navoi Professor of the Department of Uzbek Language Teaching in Foreign Language Groups of the University of Uzbek Literature p.f.D. (PhD)

**E-mail:** shahrizodf@mail.ru

**ORCID:** 0000-0002-7783-6418

**For reference:** Turakulova, O.A. 2023 The development of reading comprehension among students based on analytical analysis in literature lessons

Uzbekistan: Language and culture. Issues of Applied philology. 1(5):

**Abstract:** This article highlights specific methods of developing book reading among students in literature lessons and shows that the effectiveness of literature lessons in the development of reading, an analytical approach to the educational and didactic analysis of a work of art is one of the important factors in the modernization of literary education.

**Key words:** book, reading, analytical approach, educational and didactic analysis, research, inquiry, logical thinking, conceptual question.

**Referense:**

- Mirziyoev, Sh.M. 2017. *Buyuk kelajagimizni mard va olijanob halqimiz bilan birga quramiz.* – Toshkent: O‘zbekiston.
- O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “*Kitob mahsulotlarini nashr etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ‘ib qilish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar dasturi to‘g‘risida*”gi Qarori. 2017-yil 13-sentabr.
- O‘zbek tilining izohli lug‘ati.* 2007. To‘rtinchi jild. Toshkent: "O‘zbekiston milliy entsiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti.
- Samarov, R.S., Alimov, X. 2016. *Oliy ta‘lim jarayonini boshqarishda tizimli tahlil va qarorlar qabul qilish texnologiyalari.* O‘quv-uslubiy majmua. – Toshkent: 23-28-betlar.
- Qozoqboy, Yo‘ldosh, Muhayyo, Yo‘ldosh. 2016. *Badiiy tahlil asoslari.* - Toshkent: “KAMALAK”, – 140 b.
- Yo‘ldoshev, Q. 1996. *Adabiyot o‘qitishning ilmiy-nazariy asoslari.* Toshkent: “O‘qituvchi”.
- Quronov, D. Adabiy ta‘lim haqida ayrim mulohazalar. // Elektron manba: <http://quronov.narod.ru/dmaqk2.html>
- Abu Nasr Forobiy. 2016. *Fozil odamlar shahri.* – Toshkent. Ziyonet.uz/ru/book”Mahbub ul-qulub”- dillarimiz obodligi
- Cho‘lpon. 2015. *Kecha va kunduz:* Roman. – Toshkent: “Yangi asr avlodi”.